

4-5-2019

## MODEL OF CENTRAL ASIAN TRANSPORT SYSTEM COORDINATION

A. Zohidov

*The Higher School of Strategic Analysis and Forecasting of the Republic of Uzbekistan*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/intrel>

---

### Recommended Citation

Zohidov, A. (2019) "MODEL OF CENTRAL ASIAN TRANSPORT SYSTEM COORDINATION," *International Relations: Politics, Economics, Law*. Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 3.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/intrel/vol2019/iss1/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Relations: Politics, Economics, Law by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

## ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ МУАММОЛАРИ

- Проблемы международной и региональной экономики ■
- Problems of International and Regional Economy ■

**А.А. Зоҳидов**

### Марказий Осиё транспорт тизимини мувофиқлаштириш модели

Сўнгги йилларда мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар ва улар доирасида қабул қилинаётган давлат дастурларида республиканинг транспорт-логистика соҳасини ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг транзит салоҳиятини ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли фармонининг Иловасидаги “Йил дастури”да [1] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли фармони иловасидаги “Йил дастури”да [2] бевосита республиканинг транспорт инфраструктурасини ривожлантириш, транспорт-логистика тизимини жаҳон стандартлари ва талабларига мослаштириш, халқаро аҳамиятдаги транспорт коридорларининг ўтказиш қобилиятини ошириш каби муҳим вазифалар юклатилган.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон транспорт тизими халқаро ва минтақа транспорт тизимининг бир муҳим элементи сифатида қаралади ва шу

*Зоҳидов А., Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби илмий котиби, иқтисодиёт фанлари доктори.*

А.А. Зоҳидов

маънода барча минтақа давлатлари транспорт тизимини ўзаро мувофиқ ривожланиши орқалигина санаб ўтилган ислохотларнинг юқори самарасига эришиш мумкин.

Сўнгги йилларда бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан минтақа транспорт тизимини ривожлантириш ва мазкур тизимни ҳамкорликда мувофиқлаштириш масалалари кун тартибига қўйилмоқда.

**Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари учун ягона транспорт стратегиясини ишлаб чиқиш минтақа транспорт тизимини ривожлантиришда энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.**

Хусусан, 2018 йил 20 сентябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва амалга оширилмаган имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияда минтақа транспорт тизимидан самарали ва ўзаро манфаатли асосда фойдаланиш масалалари муҳокама этилди [3].

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг таклифига биноан 17-18 январь кунлари ушбу мамлакатга амалий ташриф билан бўлиб, «Жўшқин Гужарат – 2019» IX халқаро инвестиция саммитида иштирок этди. Тадбирда Ўзбекистон Раҳбари Марказий ва Жанубий Осиё бозорлари ўртасидаги ишончли савдо ва транспорт коммуникацияларини яратиш ҳар қачонгидан долзарблиги ҳамда Ўзбекистон учун Трансафғон темир йўли лойиҳасини муҳокама қилиниши, истиқболда эса бу йўл Жанубий Осиёга, жумладан, Чохбаҳор порти орқали Ҳиндистонга чиқиш имконини беришини алоҳида қайд этиб ўтди [4].

Шунингдек, жорий йилнинг 24-26 апрель кунлари Хитойнинг Пекин шаҳрида бўлиб ўтаётган “Бир макон, бир йўл” халқаро форумида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон “Бир макон, бир йўл” ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлаши ва унинг кенг қўламда рўёбга чиқарилишига амалий ҳисса қўшишга тайёр эканини таъкидлади. Ўз навбатида, Хитой Раиси Ўзбекистоннинг бу борадаги иштироки ва ташаббуслари Хитой билан Ўзбекистон ва Марказий Осиё ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирди. Мазкур тадбирда, минтақанинг транзит ва транспорт-коммуникация салоҳиятини ривожлантириш масалалари ҳамда ўзаро савдо ҳажмини яқин йилларда 10 миллиард долларга етказиш бўйича масалалар муҳокама қилинди [5].

Марказий Осиё транспорт тизимини мувофиқлаштириш механизмининг самарали ёки аксинча, унинг самарасизлиги ушбу тизимдан кутилаётган натижаларнинг талаб даражасида эканлиги билан изоҳла-

нади. Шунга кўра, мазкур соҳадаги муаммоларнинг ҳал этилганлиги ёки сақланиб қолаётганлиги нафақат транспорт тармоғига, балки иқтисодиётга таъсир кўрсатади.

Минтақа транспорт тизимининг Европа-Осиё ташувлари ҳажмидаги улушини мавжуд имкониятга нисбатан паст даражада қолаётганлиги мазкур тизимнинг самарасиз эканлигидан далолат беради. Шунингдек, минтақавий транспорт тизимидаги муаммоларнинг сақланиб қолаётганлиги, хусусан, кўплаб лойиҳаларнинг узок йиллардан буён амалга ошмай келаётганлиги, транспорт харажатларининг халқаро меъёрга нисбатан бир неча баробар юқори эканлиги каби салбий тенденциялар муаммонинг тизимли эканлигини англатади.

Айтиш жоизки, Марказий Осиё транспорт тизимининг аниқ мақсади ёки мазкур тизимдан кутилаётган натижалар расман белгиланмаган. Бугунги кунда минтақа транспорт тизимини мувофиқлашмаган ва шу боис, ўзига қўйилаётган талабларга жавоб бермайдиган тизим эканлигини тан олиш лозим (1-расм). Самарали бошқарув тизимини ташкил этиш учун ундан кутилаётган мақсадни аниқ белгилаб олиш зарур. Хусусан, бугунги кунда Марказий Осиё транспорт тизимидан кутилаётган асосий мақсадни белгиловчи концептуал асосга бўлган эҳтиёж мавжуд, яъни минтақа мамлакатлари учун ягона транспорт стратегиясини<sup>1</sup> (сиёсатини) ишлаб чиқиш минтақа транспорт тизимини ривожлантиришда энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. «Минтақанинг **транзит-логистика салоҳиятидан** янада самарали фойдаланиш ва **транспорт инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш** лозим ва шу муносабат билан **транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича умумминтақавий дастурни** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур» [6].

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда минтақа транспорт тизимини ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор беришни тақозо этаётган қуйидаги сабаблар мавжуд:

*биринчидан*, Марказий Осиё мамлакатлари географик жиҳатдан берк ҳисобланиши, яъни жаҳон бозорларига чиқишда бошқа давлатларнинг транспорт сиёсатига боғлиқлиги;

*иккинчидан*, минтақа мамлакатларининг экспорт-импорт юк ташув жараёнида транспорт харажатларининг юқорилиги;

*учинчидан*, Марказий Осиё мамлакатлари нисбатан ички катта бозорларга ва бой табиий ресурсларга эга эканлиги ва натижада минтақада

<sup>1</sup> **Транспорт стратегияси** — бу бирор давлатнинг (минтақанинг) сиёсий мақсадга эришиш, экспорт-импорт фаолиятини барқарорлаштириш, давлатлар билан товарлар айланмаси улушини ошириш, ички бозорни ҳимоя қилиш йўлида транспорт транзит соҳасидаги устувор йўналишларни белгилаш ва уларни амалга ошириш йўллари ишлаб чиқишга оид дастурий қарашлар тизими ҳисобланади (терминалогик луғат).

**Марказий Осиё жаҳон транспорт тизимида катта транзит салоҳиятига эга бўлган минтақа бўлишига қарамасдан, мамлакатларининг коммуникациялардан фойдаланиш бўйича ўзаро муносабатларидаги муаммолар мазкур имкониятлардан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда.**

жаҳоннинг кучли давлатларининг манфаатлари тўқнаш келаётганлиги;

*тўртинчидан*, Марказий Осиё мамлакатлари транспорт коммуникацияларининг аксарияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги (сўнгги йилларда транспорт соҳасидаги боғлиқлик даражасининг камайиш тенденциясига эгаллиги);

*бешинчидан*, халқаро транзит юклар оқимининг ўсишидан минтақадаги барча мамлакатлар бирдек манфаатдор эканлиги;

*олтинчидан*, транспорт тизимини модернизациялаштириш, янги йўлакларни қуриш ва соҳага янги технологияларни жорий этиш учун ташқи молиявий инвестицияларга бўлган талабнинг юқорилиги ва бошқ.

*Марказий Осиё минтақаси жаҳон транспорт тизимида катта транзит салоҳиятига эга бўлган минтақалардан бири бўлишига қарамасдан, минтақа мамлакатларининг мавжуд коммуникациялардан фойдаланиш бўйича ўзаро муносабатларида кузатилаётган муаммолар мазкур имкониятлардан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда.* Чунки ушбу муаммоларнинг аксарияти минтақа мамлакатлари ўртасида мавжуд транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш бўйича ягона стратегиянинг ишлаб чиқилмаганлиги оқибатида вужудга келмоқда ва бу минтақа давлатларининг транспорт соҳасида олиб бараётган сиёсатида яққол кўзга ташланмоқда.


Шунингдек, ҳозирги кунда тобора жадаллашиб бораётган интеграция жараёнлари ҳар бир давлатдан ўзига хос транспорт сиёсати юритишни тақозо этмоқда.

Чунки, транспорт сиёсати муайян давлат ички сиёсатининг таркибий қисми бўлиши билан бирга, давлатнинг транспорт соҳасидаги чора-тадбирлар қўлами мамлакат чегараларидан ташқарини ҳам қамраб олади.

Мазкур ҳолатни кўпчилик мутахассислар давлатнинг транспорт сиёсати билан боғлайди.

Ҳар қандай минтақада самарали транспорт сиёсати юритиш ҳамда транзит салоҳиятидан унумли фойдаланиш учун қуйидаги асосий шарт-шароитлар бўлиши лозим:

- қулай географик жойлашуви;
- фойдали табиий ресурслар салоҳияти;
- иқтисодий жиҳатдан ўзаро бир-бирини тўлдириш имконияти;
- қулай геосиёсий шароит;



1-расм. Марказий Осиё транспорт тизимининг вазият модели (муаллифлик ишланмаси)

А.А. Зоҳидов

- барқарор иқтисодий тараққиёт;
- мувофиқлашган миллий транспорт тармоғининг мавжудлиги;
- халқаро ташувларни ташкил қилиш учун меъёрий-ҳуқуқий ва институционал база;
- халқаро ҳамкорлик тизимининг ривожланганлиги.

Юқорида қайд этилган шарт-шароитларни муайян жихатдан қандайдир минтақанинг объектив ва субъектив имкониятларига ажратиш мумкин. Масалан, дастлабки 4 омилни объектив, яъни минтақа давлатларига бевосита боғлиқ бўлмаган шарт-шароитларга сирасига киритиш, қолган 4 тасини субъектив, хусусан, айнан мамлакатларнинг ички ва ўзаро ҳамкорлик имкониятларига боғлиқ шароитлар таркибига қўшиш мумкин.

Айтиш жоизки Марказий Осиёда энг камида 50% (қулай географик жойлашув; фойдали табиий ресурслар салоҳияти; иқтисодий жихатдан ўзаро бир-бирини тўлдириш имконияти; қулай геосиёсий шароит) шарт-шароитлар, жумладан объектив шароитларнинг барчаси мавжуд эканлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, қолган, хусусан, субъектив шарт-шароитлар ҳам (барқарор иқтисодий тараққиёт; минтақавий ҳамкорлик тизимининг ривожланганлиги; мувофиқлашган минтақавий транспорт тармоғининг мавжудлиги; халқаро ташувларни ташкил қилиш учун меъёрий-ҳуқуқий ва институционал базанинг мавжудлиги) қисман мавжуд бўлиб, уларни ривожлантириш фақат минтақа давлатларининг ўзига боғлиқ.

*Мазкур субъектив шароитларни вужудга келтирилаётганида, энг аввало, минтақада транспорт тизимини бошқариш (мувофиқлаштириш) механизмини яратиш лозим. Ушбу механизмни яратишда тизимли-мақсадли ёндашув моделини асос сифатида қабул қилиш ва уни қуйидаги 8 та босқичда амалга ошириш мумкин (2-расм):*

***Биринчи босқич:*** Минтақа транспорт тизимини мувофиқлаштириш механизмнинг концепциясини шакллантириш бўйича дастлабки ҳаракатлар. Концепцияни ишлаб чиқишда минтақа давлатларининг соҳада фаолият юритиб келаётган тажрибали мутахассислари ва ушбу соҳада кўзга кўринган экспертлар, олимлар иштирокидаги форум форматидаги учрашувларни ташкил этиш самарали натижа беради. Мазкур форумга минтақада амалга оширилаётган халқаро дастурлар, лойиҳалар мутахассисларини ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқ (масалан, МОМИХ ва бошқ.).

***Иккинчи босқич:*** Минтақа транспорт тизимини мувофиқлаштириш механизмнинг концепциясида минтақа транспорт тизимидан кутилаётган умумий (минтақа давлатлари манфаатларига зид бўлмаган) манфаатларни ва уларга таҳдидларни аниқлаш, минтақа транспорт тизими-

ни мониторинг қилиш методикасини аниқлаш. Ушбу босқичда соҳа экспертлари, олимлари билан бир қаторда расмий идоралар ва ташкилотлар вакиллари иштирокидаги учрашувларни ташкил этиш тавсия этилади. Ушбу учрашувларда ишчи гуруҳларни шакллантириш ва мазкур гуруҳлар фаолиятини ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, минтақавий транспорт тизимини баҳолашда индикатив ёндашув асосида ишлаб чиқилган муаллифлик методикасидан фойдаланиш мумкин.



**2-расм. Марказий Осиё транспорт тизимини мувофиқлаштириш механизминини шакллантириш босқичлари<sup>1</sup>**

Учинчи босқич: Концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш. Мазкур босқич ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади. Лойиҳада минтақа транспорт тизими мақсади ва функцияларни белгилаш ва унда минтақа транспорт тизими хизматларига бўлган талабларни инobatга олиш лозим бўлади. Шунингдек, мазкур концепцияда минтақа даражасида транспорт тизимини тартибга солиш, мувофиқлаштириш механизмни белгилаб берувчи ҳуқуқий ва институционал асосни шакллантириш юзаси-

<sup>1</sup> Тизимли-мақсадли ёндашув модели асосида муаллиф ишланмаси.



А.А. Зоҳидов

дан умумий йўриқномалар ва вазифалар келтирилади. Институционал асос сифатида минтақа давлатлари транспорт вазирлари (ёки тегишли ваколатли органлар раҳбарлари) Кенгашини тузиш назарда тутилади. Кенгаш фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асос сифатида Кенгаш Йўриқномаси ишлаб чиқилади.

**Тўртинчи босқич:** Концепцияни тасдиқлаш. Концепция асосида минтақа транспорт тизимини ривожлантиришнинг умумминтақавий дастурлари лойиҳаларини муҳокама этиш.

Концепция ва унинг асосида ишлаб чиқилган дастурлар минтақа давлатларининг тегишли ваколатли идоралар раҳбарлари иштирокидаги йиғилишда тасдиқланади. Дастурларда миллий даражада ва минтақа даражасида бажарилиши керак бўлган чора-тадбирлар режалари келтирилиб, унда асосий эътибор минтақа орқали ташувлар ҳажминини ошириш, миллий транспорт тармоқларидан ўзаро фойдаланиш механизминини оптималлаштириш, янги ўзаро манфаатли лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш масалаларига қаратилади.

**Бешинчи босқич:** Транспорт вазирлари Кенгаши фаолияти доирасида минтақа транспорт тизими тағзимлари (давлатлар транспорт тизимлари) ўртасида дастурларда кўзда тутилган вазифаларни тақсимлаш. Бунда миллий транспорт тизимларининг бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

**Олтинчи босқич:** Минтақа транспорт тизимини баҳолаш мониторингини ташкил этиш. Мониторинг натижалари Кенгашда муҳокама этилади ва тегишли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинади.

**Еттинчи босқич:** Марказий Осиё транспорт тизимини самарали бошқаришда телематикани ривожлантириш. Жаҳон тажрибаси асосида интеллектуал транспорт тизимларида қўлланилаётган замонавий ахборот таъминоти ва алмашинуви механизмларидан фойдаланишни йўлга қўйиш.

**Саккизинчи босқич:** Кенгаш фаолияти самарадорлигини яхшилаш мақсадида минтақа транспорт тизимини мувофиқлаштириш механизминини оптималлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш. Бунда қайта алоқа тамойилидан келиб чиққан ҳолда Кенгаш фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, шу асосда бошқарувдаги камчиликларни, шунингдек, дастурларни амалга оширишда юзага келаётган объектив ва субъектив тўсиқларни ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади.

Мазкур босқичлар ўзаро мантиқий боғлиқ ҳисобланиб, ушбу модель ўзини-ўзи текшириш имкониятига эга, яъни, қайси босқичда камчиликка йўл қўйилса, тегишли босқичда уни тузатиш имконияти мавжуд бўлади.

Қолаверса, ушбу модель Марказий Осиё транспорт тизимини тўлиқ имкониятини ишга солишга, яъни унга қўйилган талаблар билан мазкур тизим кўрсатаётган хизматлар тури ва сифати ўртасида мувофиқликни таъминлашга, хусусан, давлатлар транспорт сиёсатини мувофиқлашувига, ўзаро ва транзит ташувлардаги келишмовчиликларни бартараф этилишига, ягона ташиш тарифлари ва содалаштирилган божхона процедуралари жорий этилишига, халқаро аҳамиятдаги йўлаклар ҳолатининг яхшиланишига, тезкор, сифатли ва оптимал нархдаги логистика хизматларини йўлга қўйилишига, натижада тизимнинг нофаол тағтизмларининг фаоллашувига, барча минтақа давлатларига манфаатли бўлган лойиҳаларнинг ишга тушиши жадаллашувига, хорижий инвестициялар оқимининг ортишига, пировард натижада эса Европа-Осиё ташувларида минтақанинг улуши ошишига олиб келиши керак.

Мазкур модель доирасида ишлаб чиқилган умумминтақавий дастурлар барча минтақа мамлакатлари манфаатларини бирдек ҳимоя қилишни кўзда тутиб, унда минтақа транспорт тизимининг фаол ва нофаол давлатлари учун ҳам фойдали таклифлар илгари сурилади. Хусусан, минтақадаги транзит-давлатлар (фаол) транзит оқимининг ортишидан манфаатдор бўлса, транзит салоҳияти паст давлатлар (нофаол) имтиёзли тарифлар асосида минтақа давлатлари транзит хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ЕИ тажрибаси асосида минтақа транспорт тизимини ривожлантириш стратегиясида минтақа давлатларидаги ташувларда транспорт харажатларини қисқартириш ва, ўз навбатида, минтақа орқали ташилаётган транзит оқимини кўпайтириш устувор вазифа сифатида белгиланиши лозим. Бунда минтақа давлатлари экспорт-импорт ташувларида транспорт харажати 10%дан оширмаслик, шунингдек, Европа-Осиё ташувларида минтақанинг улушини 10-15%гача кўтариш (ҳозирда 1%) учун тегишли ҳамкорликдаги чоралар ишлаб чиқилиши лозим.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, минтақавий транспорт тизимини самарали мувофиқлаштириш механизминини ташкил этиш йўлида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- минтақа транспорт тизимини самарали бошқариш механизминини ташкил этиш бўйича шакллантирилган 8 босқичли концептуал моделда кўзда тутилган концепцияда умумминтақавий транспорт тизимини ривожлантириш дастури ишлаб чиқишни кўзда тутиш;

- минтақа даражасида транспорт тизимини бошқаришда мазкур моделнинг 7-босқичида кўзда тутилган телематика тизимини қўллаш ва ривожлантириш, бунда ягона ахборот таъминоти ва алмашинув маркази фаолиятини йўлга қўйиш бўйича тегишли чоралар кўриш;

А.А. Зоҳидов

---

- транспорт интеграциясини ривожлантириш бўйича Европа Иттифоқи тажрибасидан келиб чиққан ҳолда минтақадаги транспорт муаммоларини тегишли дастурларни босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этиш орқали ҳал этиб бориш;

- минтақа орқали халқаро ташув жараёнини тартибга солиш ва такомиллаштириш йўналишида:

♦ 1972 ва 1994 йилларда қабул қилинган контейнер ташувларига оид Конвенцияларга минтақа давлатларини аъзо бўлиш масаласини ҳукуматлараро йиғилиши кун тартибига киритиш;

♦ минтақада транспорт соҳасида барча давлатлар манфаатларини кўзда тутувчи уйғунлаштирилган қоидалардан фойдаланиш зарурати мавжудлиги тўғрисида илмий мақолалар, таҳлилий материаллар тайёрлаш ва минтақавий ташкилотлар, лойиҳалар ва дастурлар доирасида ўтказиладиган форумлар, йиғилишларда илгари суриш;

♦ ўзаро транзит ташишларда босқичма-босқич кўп томонлама (минтақа давлатлари ўртасида) келишувлардан фойдаланиш ва учинчи давлатларга нисбатан ягона транзит тарифлари ва шартларини қўллаш механизмига ўтиш.

## Адабиётлар

---

1. Ўзбекистон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. - Т. 2019 й. / [www.lex.uz](http://www.lex.uz),

2. Ўзбекистон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. - Т. 2019 й. / [www.lex.uz](http://www.lex.uz),

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг нутқи “Марказий Осиё халқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар” халқаро конференцияси иштирокчиларига <http://uza.uz/oz/politics/markaziy-osiye-khal-aro-transport-y-laklari-tizimida-strateg-20-09-2018>

4. Ўзбекистон–Ҳиндистон: кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида / <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-indiston-k-p-irraali-amkorlikni-yanada-mustakamlash-18-01-2019?Sphraseid>

5. “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасидаги самарали музокаралар / [http://uza.uz/oz/politics/bir-makon-bir-y-l-tashabbusi-doirasidagi-samarali-muzokarala-26-04-2019?sphrase\\_id=3155947](http://uza.uz/oz/politics/bir-makon-bir-y-l-tashabbusi-doirasidagi-samarali-muzokarala-26-04-2019?sphrase_id=3155947)

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи, 10 ноябрь 2017 йил / <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1227>.